

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 22 (65898)
1996 йил, 6 апрель, шанба

Сотувда
эркин нархда

Синфдошлар орасида

ТАРБИЯВИЙ СОАТ МАВЗУИ

Жуда қадим замонда бугдой усимлигининг бошоғи поясидан бошлаб то учигача булиб, нон ниҳоятда сероб булган экан.

Одамлар бу тукинликка шуҳлик қилиб, азиз неъматнинг қадрига етмай қуйишибди. Ҳатто оппоқ, бурсилдоқ нонлар тупроққа қоришиб етса ҳам четга олиб қуйишни ҳеч ким уйламабди. Молларга, итларга ҳам нон беришар экан. Бунинг касрига тез орада қурғоқчилик юз бериб, қаттиқчилик бошланибди. Энди одамлар очликдан нон урнига бошқа зарарли нарсаларни истеъмол қилишдан шишиб ула бошлашибди. Улар бу фожеа нима сабабдан юз берганлигини дарҳол тушуниб, Аллоҳга астойдил йиғлашибди, гуноҳларини кечишни илтижо қилишибди. Ана шунда худонинг қудрати билан осмонни қора булут қоплаб, ёмғир ёға бошлабди. Экинлар жонланиб, бугдойлар ҳам пишибди. Лекин галла бошоқлари аввалгисидан бутунлай фарқ қилиб, бошоқлари фақат поясининг учигагина экан.

Ушбу афсона Тошкент туманидаги 25-мактабда булиб утган «Нон азиз» мавзудаги очик тарбиявий соатда айтилди. Иқтидорли муаллима Сайёра опа Суннатовна сценарийси асосида булиб утган ушбу қизиқарли тадбирда 2-«А» синфи кичкинтойлари ҳам фаол иштирок этишди. Бунга уларнинг узок вақт тайёргарлик курганликлари сабаб эди. Ушбу узига хос курғазмал тарбиявий соатда тумандаги 19-, 22-, 23-мактаблардан ҳам меҳмонлар ташриф буюриш-

ди. Қуйида очик дарс иштирокчилари ҳикояларидан баъзиларини келтирамиз.

НОН ЎЛИМДАН ҚУТҚАРДИ



Элмира: — «Робинзон Крузо» кинофильмини ҳар курганимда бир воқеа мени доимо ҳайратга солади. Яъни қаҳрамон охириги емишини еб тугатганда қопнинг тагида сақланиб қолган бугдой донлари тукилган ердан усимлик майсаси униб чиққанини куриб қолади. Шунда Робинзон энди очликдан улмай яшаб қолиши мумкинлигига ишонади. Ҳаётга умид пайдо булади. Бу воқеани ҳар гал курганимда нон фақат инсонлар учунгина яралган деб уйлайман.

БАРИБИР ЕБ ЮБОРДИМ

Иззат: — Уйдагилар билан баҳс бойлашиб қолдим. «Бир ҳафта нон емай юра оламан» дедим. «Икки кун ҳам юролмайсан, майли, истаган ноз-неъматингни муҳайё қиламиз, фақат ун аралашган бирор нарса ҳам емайсан» кулишди улар. Бир кун кечгача нон емадим, ошқ едим, кабоб едим, олма, ёнгоқ-майиз, бодом, урик қоқи... Йуқ, барибир ноннинг ўрни бошқа,

уни қумсардим. Шунда одамларнинг «Картошка — иккинчи нон» дейишлари ёдимга тушди. Навбат — картошкага, қайнатиб едим, қовуриб едим, лекин, барибир ошқозонимнинг қаеридир бир бурда, бир бурдагина нон тусарди. Чидолмадим, нон еб юбордим.

ҚҰШНИМИЗ- НИНГ ОЛҚИШИ

Муниса: — Дукондан нон олиб келдим. Уйга келиб қарасам, у жуда сифатсиз ёпилган, ярим хом, ярими куйган, хуллас...

Шу пайт миямга бир фикр келиб қолди. Унинг куйган жойларини юпка қилиб кесиб олдим, пишмаган жойларини ҳам ажратиб майдаладим, газ духовкасида қуритдим. Кейин ховончада туйиб, талқон қилдим, шакарга аралаштириб куйган эдим, шу қадар мазали булибдики, нафақат уйдагилар, ҳатто ундан тотиб курган қўшнимиз ҳам мактади.

ҚАСОС

Саъдулла: — Тунов кун уйимизга меҳмон келиб қолганди. Кутидагисининг озроқ суви қочган экан, ойм мени дуконга юбордилар. Шу кетганча учтўрт нон дуконига борибман денг. Бирида

йуқ, бирида қоп-қора, қинғир-қийшиқ ёпилган, яна бирида хом...

Хуллас уйга қайганимда меҳмон ҳам кетиб булган экан. Чарчаб қўзим илинибди. Тушимдами, хаёлимдами, билмайман. Бурсилдоқ нонлар новвойларни суд қилаётган эмиш... Улар икки тарафга қатор туриб олишган. Бир томондагилар яхшилар, иккинчи томондагилар ёмонлар эмиш.

— Мен туппа-тузук ун эдим, — гап бошлади тиришиб-буришиб қолган бир нон, — Эшмат новвой мени хамир қилиб сунг унутди, мен булса ошганимдан ҳатто ачиб ҳам кетдим. Пишганимдан сунг бир бола тишлаб курди-ю, «ачиган экан» деб отиб юборди.

Инсофли инсон четга олиб қуймаганда билмадим, оёқлар остида қанча топталардим.

— Эшмат ёниб турган тандирга тиқилсин!

— Мени фалончи куйдириб юборди, мени унни эламай ёпишгани учун ип, ёғоч булагичиққанидан одамлар молга беришди.

— Мени, мени...

— Уйда нон туриб «яхши нон», «тузукроқ нон» ахтариб дуконмадукон юрган Саъдулла ҳам...

«Дод» деб юборибман шекилли, чучиб уйғондим. Яхшиям енверимда ҳеч ким йуқ экан. Хуллас, менинг хулосам шу булдики, новвой ҳам, нонхур ҳам унинг қадрига етиши керак, экан, деб қуйдим.

Очик тарбиявий соат дарсида яна куп укучилар, уқитувчилар, меҳмонлар сузга чиқибди:

«Азиз ноннинг қадрига, мана энди етамиз. Ерга тушса ушоғин, қўзимизга суртамиз» дейишди ҳамма барабарига.

Мен ҳам уларга қўшилдим.

Муҳаббат
МАКСУДОВА.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Вьетнамга қилган ташрифи уз ниҳоясига етди.

Халқаро «ЭКО-САН» жамғармаси ҳамда Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан Нукус шаҳридаги 1-болалар касалхонасига дори-дармонлар, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига эса кийим-кечак ва турли ширинликлар топширилди.

Пойтахтимиздаги 9-урта мактабда шаҳар буйича фан олимпиадаларида голиб чиққан укучиларни тақдирлаш маросими булиб утди.

Тошкентдаги Лаъл Баҳодир Шастри номили 24-урта мактаб 80 ешга тулди.

Тошкент вилояти, Бука туманидаги «Дилшод» деҳқонфермер хужалиги раҳбари Баҳром Пайшамов ён-атрофдаги 12 та мактабнинг алочи укучиларига стипендиялар таъсис этди.

Термиз шаҳридаги «Прогресс» фирмаси раҳбари Муҳаммад Эшонов Бойсун меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига кийим-кечак ва ширинликлар совға қилди.

Улкамизда баҳор нафаси уфурмоқда. Она табиат ҳам уйқудан уйғонган. Дарахлар куртак чиқариб, теварак-атроф яшил либос кийди. Баҳор фаслининг келиши халқимизга кучгайрат, кутаринки кайфият бағишлади.

Мамлакатимизда Навруз

БАЛЛА, ҚИЗЛАР


тантаналари давом этмоқда. Республика ўқувчилар техника ижодиёти марказида ҳам талайгина тадбирлар ўтказилди. Наврузга бағишлаб, «Балли, қизлар!» беллашуви

булиб ўтди. Беллашувда бичиш-тикиш тугарагининг қатнашчилари иштирок этишди. Унинг шартига кура қизлар турли хил салатлар тайёрлашди, уй-рузгорга

оид мунозаралар, савол-жавоблар уюштиришди. Тадбир жуда қизиқарли ўтди. Бу ишда тугарак раҳбарлари Муқаддас Иброҳимова, Умида Ғаниеваларнинг ҳиссаси кат-

та бўлди. Марказ услубчилари А. Сумина, Д. Ширяева ҳам фаол иштирок этишди. Беллашувда туқиш тугарагининг қатнашчилари голиб деб топилди. Қизлар узларининг чаққонлиги ва топқирлигини намоён қилишди.

А. АХМЕДОВ.



Баҳор, баҳор, бунча яхшисан!



ҚУШАЛОҚ БАЙРАМ

Куни кеча мактабимизда қушалок байрам Навруз байрами ҳамда 12 ёшлиларнинг мучал туйи нишонланди. Байрамга мактаб ўқитувчилари ва ота-оналар бош-қош бўлишди. Эрта саҳардан мактаб ҳовлисида ўқувчиларга ош тортилди, вилоятнинг энг машҳур эстрада гуруҳлари 12 ёшлиларни уз қушиқлари билан хурсанд қилдилар. Мактабимиз 6-синф ўқувчиларига ва кўп болалар оилаларга совғалар улашилди. Қушалок байрамни барча мактаб ўқувчилари катта шодиена билан кутиб олди.

Дилшод АКРАМОВ,


Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани,
25-мактабнинг 8-«г» синф ўқувчиси

САҲНАДА ЁШ ЎСТЕЪДОДЛАР

Ҳамма жойда бўлгани каби бизнинг Уйчи туманида ҳам «Ўзбекистон — Ватаним маним» қушиқлар курик-танлови давом этаётган. Танловда туман мактабларининг жуда кўп санъатсевар ўқувчилари иштирок этаётгани, ёшлиримиз орасидан истеъодли ёшлар етишиб чиқаётгани қувонарли ҳолдир. Туман маданият саройида бўлиб ўтган курик-танловнинг иккинчи босқичида зона голиблари бўлган мактабларнинг ёш санъаткорлари узларининг 6 турдан иборат дастурларини намоён этдилар. Она Ватан, мустақиллик, ватанпарварлик ҳамда истиқлолни тараннум этувчи қушиқлар ижро этган 23-мактабнинг хор жамоаси, 1-, 22-, 23-, 32-мактабларнинг Насиба Акбарова, Музаффар Нишонов, Умиджон Хайтмирозев сингари ёш ижрочиларининг маҳоратлари юқори баҳоланди.

Курик-танлов якунида умумий ҳисоб билан 23-мактабнинг ёш санъаткорлари фахрли биринчи ўринга сазовор бўлдилар. 7-мактаб иккинчи, ҳамда 1-мактаб ўқувчилари 3-ўринларни қўлга киритдилар.

М. ҚОДИРОВ,
Уйчи тумани.



ХАЁЛ ЭМАС, ҲАҚИҚАТ...

Йигирма биринчи асрни сиз қандай тасаввур қиласиз? Бу саволни бежиз бераётганимиз йўқ. Германиянинг илмий тадқиқотлар вазирлиги яқин юз йилликларга назар солиб, «Фан ва техниканинг тараққиёти ҳақида» номли ҳисобот тайёрлади. 900 га яқин йирик олим ва мутахассислар келажақ 25 йилга 131 тадан ортиқ маълумотни тақдим этдилар. Уларнинг аксарияти муайян йиллар билан белгиланади. Қуйида ана шу ҳисоботдан айримларини эътиборингизга ҳавола қилаёмиз:

2002 йилда ҳар бир инсон уз компьютери экранидан истаган китобини мутолаа қилиши мумкин.

2003 йил. Ернинг заҳарланган катта қисмини майда заррачалар тозалайди. Ирсий даволаш туфайли раққа қарши курашда анча ижобий ютуқлар қўлга киритилади.

2004 йил. Барча чиқиндилар автоматик равишда сараланади. Бу эса ахлат-чиқиндилар зарарлигини кўп бора қисқартиради.

2006 йил. Барча автомобиллар борт компьютери ёрдамида бошқарилади.

2007 йил. Муҳим таржималарни зудлик билан машиналар бажаради.

2013 йил. Ракнинг энг асосий куринишларига қарши эмлаш ишлари бошланиб кетади.

2014 йил. Поездлар соатига 1000 километр тезлик билан ҳаракатланади.

2017. Янги гоёлар махсус препаратлар ёрдамида шаклланади.

2018 йил. Космик кемалар энг олис сайераларга ўча бошлайди.

Болалар, юқорида ўқиганларнинг айрим халпараст олимларнинг хомчуги эмас. Уларнинг аксариятига бугунги кунда илмий асос солиб улгурилган. Фан-техника тараққиёти японлар даражасида бўлмаса-да, немислар факс, лазер, мусиқа асбоблари, микропроцессорларни кашф этиб улгуришган. Бу гоёларни эса японлар миллионлаб ишчи уринларни яратиб, жаҳон бозорига олиб чиқдилар ва оқибатда миллиардлаб фойдага эришдилар.

Немислар турли кашфиётларни яратиб, тайёр «пишган ош»ни японлар амалиётида олиб кетаётган экан-да, деган фикр хаёлингиздан ўтган, чоғи? Лекин немислар ҳам буш келаётгани йўқ. Бу аҳволдан чиқиб кетишнинг йулларини излашяпти.

ГФР муҳандиси маошининг бир соати қирқ марка, Чехияда эса турт марка қилиб белгиланган. Куриб турганингиздек, самарадор кашфиёт учун немислар сира маблаг аяшмас экан.

Назokat УСМОНОВА

Бизнинг «Гардиён» қишлоғидаги Бобур номли мактаб ўқувчилари узларининг ҳар томонлама фаолликлари билан бошқалардан ажралиб туришга ҳаракат қилишади. Сабоби, қандай янгилик бўлмасин, дастлаб шу мактабдан бошланади. Яқинда бу ерда «Боболар жасорати бизларга урнак» мавзусида иншо-лар танлови ўтказилди. Унга 25 нафар ўқувчи иштирок этди. Уларнинг турт нафари туман Ёшлар Иттифоқи Марказий Қумитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Келинг, биз ҳам иншо-лардан сатрлар ўқиб курайлик:

Учинчи синф ўқувчиси Гули Муҳаммадиева уз бобоси Муҳаммад Ражабов турғисида шундай ёзди:

«МЕН БОБОМНИ КЎРМАГАНМАН...»

«Бобом 1921 йилда юқори Майда қишлоғида туғилган. 1942 йилда армия сафига чақирилиб, Калинин фронтининг 1255-ўқчи дивизиясида хизмат қилган. Киев, Варшава, Дрезден, Берлин шаҳарларини озод қилиб, 1-Украина fronti жангларидан «Қизил юлдуз» орденини олган. Урушдан омон қайтиб, «Ўзбекистон» жамоа хужалигида электромонтёр бўлиб ҳалол меҳнат қилганлар. Бобожоним ҳозир ҳам соғ-омонлар».

10-синф ўқувчиси Хуршида Юнусованинг иншо-си: «Бобожоним 1923 йилда таваллуд топганлар. Ленинград мудофаасида қаттиқ яраланганлар, тузалиб яна хизматга кетганлар. Урушдан қайтиб жамоа хужа-

лигида тракторчи бўлиб ишлаганлар Ҳозир Офтоб бибим билан аҳил яшаб юрибдилар. Бизнинг донишманд маслаҳаттўйимиз.»

«Мен бобомни кўрмаганман» — деб ёзди 8 синф ўқувчиси Марҳаб Абдусаттарова. — «Улар турғисида бибижоним Саодат Отамуродова ҳикоялари асосида ездим. Улар акалари Сачоқбой билан урушга жунанганлар. 4-Украина fronti жанг қилганлар. Запорожье, Қрим, Псков шаҳарларини озод қилишда иштирок этганлар. Бир неча марта ярадор бўлганлар. Ҳарбий хизматдан қайтиб гардиёнлик ёшларга математика фанидан дарс бергандилар. 25 йил қишлоқ марказидаги Муқимий номли мактабда илмий бўлим

мудири ва директор бўлиб ишлаганлар. Уларни кўрмаган бўлсам-да, қаҳрамон жангчи, жасур уз жонини Ватан учун аямайдиган бобом невараси эканлигимдан фахрланаман. Ҳеч қачон уруш бўлмасин. Дунемиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақил давлатимиз янада мустақамланаверсин».

Болалар битган сатрлар мени ниҳоятда хурсанд қилди. Ишонаманки, бундай мусобақа, конкурслар бошқа мактабларда ҳам тез-тез ўтказиб турилади.

Сачоқ ЭҒАМОВ.

«Тонг юлдузи» жамоатчи муҳбири.

Қишлаб қолган лайлақлар, табиатсевар болалар ёрдамига муҳтож бўлган дарё қирғоқлари, атроф-муҳит мусаффолигига зарар етказётган иншоотлар, боғлар барпо этишда жонкуярлик кўрсатаётган болалар. — «Нилуфар» саҳифасида эълон қилинадиган материалларнинг мавзуси булар. Бундай мақолаларни тайёрлашда кўпроқ сизлардан келадиган мактубларга таянамиз. Айни пайтда редакциямизда «Нилуфар» клуби номига ёзилган хатлар анчагина тўпланиб қолди.

Сизга ва бизга қадрли бўлиб қолган «Нилуфар» саҳифасини ўқинг, мактуб йўлланг, фикр ва мулоҳазаларингизни билдиринг.



Баҳор келиб бизни ҳам уйғотгани ёмон бўлди

Энди у Бурига дуч келибди. Буривой билан ҳам аввалги ҳодиса такрорланибди, кейин Айиқпол-қорнини туйдирибди, кулбаси ёнидан иссиққина инча ясаб берибди.

ШУНДАЙ РОБОТ ЯРАТИЛСА...

Экология ўзгармоқда. Афсуски, у тобора ёмон тарафга. Ҳаво ифлосланаяпти, дарахтлар аёвсиз қирқилмоқда, кун сайин ўсимликлар, қушлар, жониворлар тури йўқолаяпти. Бундай гапларни катталардан тез-тез эшитиб тураман. Юрагимни ваҳм босади. Нима қилиш керак? Қани энди бир робот ясалса-ю, ҳар куни атроф-муҳитга кимлар, қанча зарар етказётганлигини баралла ошкор қилиб турса.

Намуна КОДИРОВА,
Чирчиқ шаҳри.

УЛАРГА ҲАМ МЕХР КЕРАК



Яқинда мен бир мушукнинг турт ёшли қизчани тимдалаб олгани, кутурган итнинг бўлса одамларни гажиб ташлаганини ўқиб қолдим. Шунда «Менинг мушугим ҳам...» деган совуқ фикр утди хаёлимдан. Бу ҳақда ойимларга айтган эдим:

— Болам, уша ит ҳам, мушук ҳам уз ҳолига, қаровсиз ташлаб қуйилган, меҳр курмаган булсалар керак-да, дедилар. Онажонимнинг тасаллиларидан сунг хо-

тиржам булдим. Тугрида, меҳрга ҳеч қачон меҳрсизлик қайтмайди.

Хуршида
РАСУЛОВА,
Фаргона вилояти,
Кува тумани

Менинг бароқ мушугим бор. У жуда беозор. Иссиққина жойда ётиб пихиллаб ухлашни яхши куради, айниқса ёз кунлари қуёшдан пана жойларда роҳатланади.

ДУСТ АХТАРИБ...

Кунларнинг бирида кучука ёлғизликдан роса зерикибди. Узига энг кучли дуст ахтариб топмоқчи булибди. Дастлаб учратгани Куен булибди. «Кел дуст булайлик, бирга яшайлик» таклиф қилибди Кучука.

Куен рози булибди. Кечқурун икки дуст ухлашга ётибди. Тунда уларнинг олдидан Сичқон югуриб утибди. Бу шарпадан Кучук вовиллай бошлабди.

— Секин, нега шовқин солсан, дебди титраб Куенвой, ҳозир овозингни Бури эшитгани-ю, келиб бизни еб қуяди.

— Қурқоқ экансан, булмайди, — дея яна йулга тушибди Ит.

вонга. Қараса, маймоқвой ҳам қурқоқ экан.

Энди кучук одамнинг ҳузурига йул олибди.


— Эй одамзод, мен билан дуст бул, остонангда ётай, уйингни қуриқлай, деб ёлворибди.

Инсон рози булибди. Итнинг

Ана шундан буен инсон билан турт оёкли вафодор жонивор қалин дуст экан.

Нигора МАМАДАМИНОВА,
Тошкентдаги 113-мактаб
ўқувчиси.

«КЎЛЛАР» ЖУГРОФИЙ ТОПШИРИФИ



Азиз табиат шайдолари! Шақлдаги катакларда берилган ҳарф ва ҳамдустлик мамлакатлари худудлари номлари асосида олти та сув ҳавзаси номини топинг.

1. Шарқий Сибирнинг жануби.
2. Қирғизистон Республикаси.
3. Олтой улқаси.
4. Қозоғистон Республикаси.
5. Арманистон Республикаси.
6. Помир тоғи.

Фозилжон ОРИПОВ.

«НИЛУФАР» ТОПШИРИҚЛАРИ


1. Республикамиз қизил китобида кирган қандай ўсимликлар, қушлар ва жониворларни биласиз?

2. Ҳовлингизда, томорқа ёки чорбоғингида қандай ўсимликлар бор, сиз улар парваришида қандай ишгирик эласиз?

3. Узингиз яшаб турган куча, маҳалла, қишлоқ экологияси сизни қониқтирадими?

4. Уқув даргоҳингида экология тугараги борми, фаолияти ҳақида ёзинг?

5. Табиатда бирон қизиқ ҳодиса учратганмисиз?



Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги 40-мактаб ўқувчиси Гулноз Шаропова ўзининг чизиб юборган суратига «Атроф-муҳит мусаффо бўлсин, сувлар тиниқ, шарқираб оқсин» деб сарлавҳа қўйибди.

● Болаларга аталган шеърлар

ҚАЙНАЁТИР
СУМАЛАК

Оламга нур таратиб,
Офтобжон кулиб боқди.

Нурдан бахраманд бўлиб,
Куртаклар япроқ отди.



Бутун борлиқ уйғониб,
Қушларга чиқди пешвоз.

Келинчақдек безаниб,
Этиб мафтункор пардоз.

Жамолига капалак,
Маҳлиё бўлиб қолди.

Ҳар бутоққа бир қўниб,
Улардан бўса олди.

Борлиққа қараб ойим,
Дейди кулиб мулойим:

Турақол, болажоним,
Келибди Наврўзойим.

Сочинга тақ жамалак,
Яйра мисли капалак.

Толдан яса чамбарак,
Келиб қўнсин капалак.

Чугурлайди хаккалак,
Баҳордан бериб дарак.

Қайнаётир сумалак,
Яратган ўттиз малак.

Бибиражаб НИЗОМОВА,
Навоий вилояти, Қизилтепа
тумани, 14-мактаб
ўқитувчиси.

«ШАЛПАНҚУЛОҚНИНГ
САРГУЗАШТЛАРИ»

Кува шаҳрининг кичикинтойла-ри шаҳар маданият уйи қошидаги «Ширинтой» қуғирчоқ театри жамоасидан ажойиб совға олдидлар. Театрнинг иқтидорли режиссёри Исмоил Абдурахмонов сценарийси асосида сахналаштирилган «Шалпанқулоқнинг саргузаштлари» қуғирчоқ театрини жажжи мухлис-лар зур қизиқиш билан томоша қилдилар. Энг қувонарли томони шундаки, театрдаги асосий роллари мактаб ўқувчилари ижро этиш-ди. Дарслардан буш вақтларида ма-даният уйи қошидаги тугарақлар-да қатнашиб, актёрлик маҳорати-ни ошириб бораётган Шухрат Ни-понов, Муҳаббат Эргашова, Дил-дора Ортиқова, Жаҳонгир Коми-лов сингари ўқувчилар устозлари-

дан урганган бор тажрибаси ва ма-ҳоратларини намойиш этдилар.

«СЕХРЛИ ЧИРМАНДА»

Норин туманидаги маданият уйининг «Хурозча» қуғирчоқ теат-ри жамоаси эса Неъмат Рузимуха-медов қаламига мансуб «Сеҳрли чирманда» деб номланган янги сахна асари билан ўқувчиларни баҳорги таътил кунларида хушнуд этдилар. Марҳаматхон Тожибоева сахнага олиб чиққан ушбу асарда эзгулик, дустлик, катталарга хур-мат, кичикларга иззат, ҳалоллик, поклик каби инсоний туйгулар та-раннум этилади. Шунингдек, қув-ноқ куй ва қушиқларга, қизиқар-ли саргузашту воқеаларга бой бул-ган спектаклни ёш томошабинлар

мароқ билан томоша қилишди. Бу спектаклдаги асосий роллари ҳам ўқувчиларнинг узлари ижро этиш-ди.

«ШАҲНОЗАЛАР»НИНГ ЯНГИ
ДАСТУРИ

Асака шаҳридаги Беруний ном-ли мактаб қошида «Шаҳнозалар» ашула ва рақс ансамбли ташкил қилинган. Яқинда ансамбл ишти-рокчилари «Истиқлол жилolari» деб номланган янги дастур тай-ёрлашди. Ансамблининг бадий раҳ-барлари Маҳфуза Отажонова, Ис-моил Отажоновлар сахнага олиб чиққан дастурда ёш истеъдод со-ҳиблари бугунги дориломон кун-лар шукҳини, бахтли болалик, шодумон кунларимизни куй ва қушиқларда, беғубор рақсларда та-раннум этадилар. Ансамбл ишти-рокчиларидан Муҳайё Аҳмаджо-нова, Наргиза Омочова, Шохид Раҳмонова, Гулноза Хидоятиллае-ва, Зиёда Боқиевалар талқинидаги «Ҳақкалар», «Биз бахтли болалар-миз», «Келинг бирга уйнайлик», «Истиқлол гунчалари» қушиқла-ри барчага манзур бўлди.

Салоҳиддин
СИРОЖИДДИНОВ.

ОДАМ НИМА
УЧУН ОРҚАСИГА
ҚАРАЙДИ?

Газетамизнинг 31 январь 6-сонида босилган «Типратикан қишда нима қилади?» сарлавҳа-си остида берилган ҳазил — су-роқли топишмоқларнинг жа-вобларини мухлисларимиз тур-ри жавоб бериб уз мактублари-ни йўллабдилар. Жумладан, На-манган вилояти, Чуст шаҳри 9-урта мактаб ўқитувчиси Ибро-ҳим ака Ҳамиджонов, Бухоро вилояти Жондор ноҳиясидаги 37-урта мактабнинг 6-«Б» синф ўқувчиси Ойгул Имомова ҳам-да Бухоро вилояти, Гиждувон ноҳияси 3-сон С. Айний номли урта умумтаълим мактабининг 7-«А» синф ўқувчиси, «Ёш мух-бирлар» тугарагининг аъзоси Робия Хайруллаева уз жавоби-ни ёзиб, ҳамда қизиқарли са-вол-топишмоқларини жунатиб-ди. Куйида Робиянинг саволла-ри билан танишиб куринг.

1. Вертолётга ухшаб учадиган қушнинг номи нима?
2. Қайси денгизда ётиб китоб ўқиб утириш мумкин? Бунга сабаб нима?
3. Одам нима учун орқасига қарайди?
4. Қайси вақтда одам «ҳа» деб турги жавоб бериши мумкин эмас.

31 ЯНВАРЬ 6-СОНИДА
БОСИЛГАН ҲАЗИЛ-САВОЛ
ТОПИШМОҚЛАРИНИНГ
ЖАВОБЛАРИ

1. Қулқоп. 2. Кийик, кучук. 3. Иккаласи ҳам тенг совуқ сйди.
4. Эшик очик бўлганда. 5. Ухлайди. 6. Соғлиқ. 7. Саломат-лик булмаса, хунарли булмаса, меҳнат қилмаса яшай олмайди.

Нилуфар ДАВИДОВА.

● Билишни истаган эдингиз

ОТАМДАН
МИННАТДОРМАН

Ҳа, танидингиз. Суратдаги артист акан-гиз Фатхулла телеэкран орқали гоҳ эрка углон, гоҳ содиқ дуст, гоҳ уйинқароқ нева-ра булиб тез-тез куриниб туради. Унинг яқингинада «Оталар сузи — ақлнинг ку-зи» курсатувида Санжар образини яратган ҳам эдингизда булса керак. Чунки у бу образни эса қоладиган қилиб яратди. Эсингиздами, «Э, Фатхулла ака, сизга бунақанги «ёмон» одамлар образи яраш-майди, мос эмас» деб қул силтаганингиз.

Курсатув охирида булса уша «ёмон бо-ла»нинг отасига қушилиб юм-юм йиғла-гандингиз. Демак, Санжар узи аслида ях-шию, бир оз иродасизлиги, эркатойлиги туфайли ёмонлик йулида юрган «ин-сон»лар таъсирига тушиб қолиб уз ширин жони билан хун тулаганини сизга тушун-тириб бера олибди-да.

Демак, у узингиз айтгандай бир ку-ришдаёқ томошабин назарига туша ола-диган Фатхулла Маъсудов.

Дарвоқе, Фатхулла акангиз тошкент-лик, 1963 йилда хизматчи оиласида туғил-ган. Ҳамза номидаги узбек давлат акаде-мик драма театрида ишлайди.

— Актёрликда меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат қилишдан чарчамаган инсон эл назаридан қолмайди, — деб уйлайман ва шунга ҳаракат қиламан, — дейди актёр. — Ёшлигимда ниҳоятда уйинқароқ, шўх бул-

ган эканман. Болалар орасида ушанда ёғоч от миниб юриш «мода» булган эди. Баҳор эди. Мен ҳам ҳовлига кириб гуллаб турган гилоснинг бир шохини кесиб олибман. Дадам ишдан келиб гилосга кузлари туш-ди-ю, гап нимада эканини дарров сездилар. Мендан сураган эдилар. «Мен кесмадим» дедим. Елғон гапирганим учун дадажоним ушанда хивчин билан бошлаб савалаган эдилар.

Отамнинг ана шундай койишлари, тер-гаганларини эсласам ҳозир уларга раҳмат легим келади.

Фатхулла акангиз мактабда ўқиб юр-ган йилларида Мираббос Мирзааҳмедов раҳбарлигидаги драма тугарагида фаол иш-тирок этган. Бокс энг сеvimли машгулот-ларидан бири булган. Буларнинг ҳаммаси актёрга янги-янги роллар устида ишлаш-да қул келмоқда.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Тахрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0198.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтин тартиби
№ 000187
• Мазлимиз: 700083,
• Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
• 32-уй.

• Телефон:
• 33-44-25

